

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 58-ҳадис

58 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا قَامَ أَحَدُكُمْ مِنْ مَجْلِسٍ ثُمَّ رَجَعَ إِلَيْهِ فَهُوَ أَحَقُّ بِهِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қачон сизлардан бирортангиз ўрнидан туриб, кейин яна жойига қайтиб келса, у ўша жойга ўзи ҳақлидир», дедилар.

Имом Муслим ривоятлари.

Шарҳ: Ислом -мусулмонлар орасида жанжал ва тортишувни келтириб чиқариши мумкин бўлган барча ишларда нозиклик билан иш тутишга буюради. Мусулмонлар ўртасида тафриқа солиб, алоқаларни узишга олиб борадиган нарсаларни эса ман этади. Киши ўтирган ўрнидан бирон сабаб илиа туриб кетиб, қайтиб келса, ўша жойга ўтириш учун энг ҳақли инсон у бўлади. Ушбу суннатга оид ечим эса юзага келиши мумкин бўлган тушунмовчилик ёки баҳсни олдини олади.

Ҳадисдан ўргангандаримиз

1. Ислом - ҳаётимизнинг барча жабҳасини тартибга соладиган таълимотдир.
2. Агар киши мажлисдан бирон сабаб билан туриб кетса, бошқа инсон унинг ўрнига ўтиришга шошмаслик кераклиги.
3. Туриб кетган одамнинг ўрнига вақтинча ўтириб турса бўлади. Агар жой эгаси қайтиб келса, бўшатиб бериш лозим бўлади. Чунки аввалги эгаси ўша жойга ҳақлироқдир.
4. Бу нарса кўпроқ мактабларда рўй беради. Бирор ўқувчи дарсга келмаса, синфдош ўртоқларидан бири унинг жойига ўтириб олади. У келгач, бўшатгиси келмайди ва ўртада низо-жанжал келиб чиқади, кўпинча. Бу иш динимизда айнан хатодир.



NUBUVVAT MARVARIDLARI